

Сийрат дарслари (36-дарс)



13:30 / 07.06.2019 5634

* * *

193. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Мен авлодма-авлод ўтиб, Одам болаларининг энг яхши авлодидан юборилдим, ниҳоят, ўзим (яшаб) турган ушбу авлоддан бўлдим», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

* * *

194. Восила ибн Асқаъ розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ Исмоил авлодидан Кинонани танлаб олди. Кинонадан Қурайшни танлаб олди. Қурайшдан Бану Ҳошимни танлаб олди. Бану Ҳошимдан мени танлаб олди», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

* * *

195. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Албатта, менинг ва мендан олдинги анбиёларнинг мисоли худди бир уйни яхшилаб, чиройли қилиб қуриб, бир бурчагидан бир ғиштнинг ўрни қолдириб қўйилганига ўхшайди. Одамлар уни айланиб кўриб, қойил қолишади ва: «Мана шу ғишт ҳам ўрнига қўйилганда эди!» дейишади. Мен ўша ғиштман. Мен набийларнинг хотимиман» (хотималовчисиман), дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

196. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Қиёмат куни жаннатнинг эшигига келиб очишни сўрайман. «Сен кимсан?» дейилади. «Муҳаммадман», дейман. «Сенга амр қилинганман. Сендан олдин ҳеч кимга очмайман», дейилади».

Муслим ривоят қилган.

* * *

197. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Мадинага кирган кунлари ундаги ҳамма нарса ёришиб кетди. Вафот этган кунлари эса ундаги ҳамма нарса зулматда қолди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни дафн қилиб бўлиб, қўлларимизни қоққанимиздан кейин қалбларимиз хувиллаб қолди».

Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

198. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ азза ва жалланинг Иброҳим ҳақидаги: «Роббим, албатта, у(санам)лар одамлардан кўпини адаштирди. Бас, ким менга эргашса, у мендандир. Ким менга осий бўлса, албатта, Ўзинг мағфират қилгувчи ва раҳмлисан» деган сўзини тиловат қилдилар.

Ийсо алайҳиссалом: «Агар уларни азоблайдиган бўлсанг, бас, албатта, улар Сенинг бандаларинг. Агар уларни мағфират қиладиган бўлсанг, албатта, Сенинг Ўзинг азиз (ғолиб) ва ҳикматли зотсан», деган эдилар.

Шунда у зот икки қўлларини кўтариб туриб: «Аллоҳим! Умматим! Умматим!» дедилар ва йиғладилар. Шунда Аллоҳ азза ва жалла: «Эй Жаброил, Муҳаммаднинг ҳузурига бор. Роббинг билади-ю, аммо ундан «Сени нима йиғлатяпти?» деб сўра», деди. Жаброил алайҳиссалом келиб, шу ҳақда сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга сўраган нарсаларининг хабарини бердилар. Ҳолбуки, унинг ўзи ҳам билар эди. Шунда Аллоҳ: «Эй Жаброил, Муҳаммаднинг ҳузурига бор ва: «Албатта, Биз сени умматинг ҳақида рози қиламиз, сенга ёмонлик қилмаймиз», деб айт», деди».

Муслим ривоят қилган.